Muloqot

## ҚЎШИМЧА ТАЪТИЛ БЕРИЛАДИ

***Мен олий ўқув юртида сиртдан таҳсил оламан. Ишга кирганимга эса атиги беш ой бўлди. Яқинда ўқиш бошланади. Айтинг-чи, муддатидан илгари қўшимча таътилга чиқсам бўладими?***

*Сурайё ОРЗИҚУЛОВА,*
**Тошкент шаҳри**

— Албатта, сиз таътил олишингиз мумкин. Бу ҳақда қонунларимизда ҳам қайд этилган. Масалан, Меҳнат кодексининг 256-моддасида олий ва ўрта махсус ўқув юртларида таълим олиш муносабати билан бериладиган таътиллар ҳақида сўз юритилган бўлиб, ушбу моддага биноан олий ва ўрта махсус ўқув юртларида таълим олаётган ходимларга лаборатория — имтиҳон сессиясида қатнашиш даврида қуйидаги тартибда:

биринчи ва иккинчи курсда таълимнинг кечки шаклида олий ўқув юртларида таълим олаётганларга ҳар йили камида йигирма календар кун, ўрта махсус ўқув юртларида таълим олаётганларга ҳар йили камида ўн календар кун, олий ва ўрта махсус ўқув юртларида сиртдан таълим олаётганларга эса ҳар йили камида ўттиз календар кун;

учинчи ва ундан кейинги курсда таълимнинг кечки шаклида олий ўқув юртларида таълим олаётганларга ҳар йили камида ўттиз календар кун, ўрта махсус ўқув юртларида таълим олаётганларга ҳар йили камида йигирма календар кун, олий ва ўрта махсус ўқув юртларида сиртдан таълим олаётганларга эса ҳар йили камида қирқ календар кун;

Олий ва ўрта махсус ўқув юртларида битирув имтиҳонларини топшириш даврида камида ўттиз календар кун;

диплом лойиҳасини (ишини) тайёрлаш ва ёқлаш даврида олий ўқув юрти талабаларига тўрт ой, ўрта махсус ўқув юрти талабаларига эса икки ой муддат билан ўртача ойлик иш ҳақи сақланган ҳолда қўшимча таътиллар берилади.

Олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг охирги курсларида ўқиётган ходимларга диплом лойиҳасига материаал тўплаш учун ўттиз календарь кун муддат билан иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътил берилади.

## ЗАРАР УНДИРИШ МУМКИН

***Шифохонада даволанаётган чоғимда ҳамшира нотўғри муолажа қилиши натижасида чап қўлим жиддий зарарланди. Уни даволаш учун анча вақт мобайнида алоҳида муолажа олишга тўғри келди. Менга етказилган моддий зарарни ҳамшира ёки шифохона маъмуриятидан ундиришим мумкинми? Қонунларимизда бу ҳақда нима дейилган?***

*Маннон ШОТУРСУНОВ,*
*Наманган вилояти*

— Сизга етказилган зарарни ундириш мумкин. Чунки Жиноят кодексининг 116-моддасида касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик учун жиноий жавобгарлик белгиланган бўлиб, унга мувофиқ шахсни ўз касбига нисбатан беparволиги ёки инсофсизлик билан муносабатда бўлиши туфайли касб юзасидан ўз вазифаларини бажармагани ёки лозим даражада бажармагани, баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилишига сабаб бўлса, уч йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёки икки йилгача аҳлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Қонун ёки махсус қоидаларга мувофиқ касалга ёрдам кўрсатиши шарт бўлган шахснинг узрли сабабсиз шундай ёрдам кўрсатмагани баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилишига сабаб бўлса, уч йилдан беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёки икки йилдан уч йилгача аҳлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч ойгача қамоқ жазоси билан жазоланади.

Ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмида назарда тутилган қилмишлар эҳтиётсизлик орқасида одам ўлимига сабабчи бўлса, уч ойдан олти ойгача қамоқ ёки беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмида назарда тутилган қилмишлар эҳтиётсизлик орқасида одамлар ўлимига; бошқача оғир оқибатларга сабаб бўлса, беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

## ТОВЛАМАЧИЛИККА ЖАЗО БОР

***Бир танишимга ишониб сиримни айтган эдим. Бироқ у кейинчалик менга тааллуқли сирни ошкор қилиш билан қўрқитиб товламачилик қилишга уринаяпти. Яъни у сиримни сақлаш эвазига пул таъма қилаяпти. Бундай вазиятда мен қандай йўл тутишим керак?***

**Фахриддин СОДИҚОВ,**
**Музработ тумани**

— Танишингизнинг хатти-ҳаракати қонунга зид. Ўзгаларнинг сири сақланиши қонун томонидан ҳимояланган бўлиб, мабодо уни ошкор этиш билан товламачилик қилмоқчи бўлса, тегишли қонунлар асосида жазоланади. Жумладан, Жиноят кодексининг 165-моддасида товламачилик учун жиноий жавобгарлик белгиланган. Унга мувофиқ, товламачилик, яъни жабрланувчи ёки унинг яқин кишиларига зўрлик ишлатиш, мулкка шикаст етказиш ёки нобуд қилиш ёхуд жабрланувчи учун сир сақланиши лозим бўлган маълумотларни ошкор қилиш билан қўрқитиб ўзгадан мулкни ёки мулкий ҳуқуқни топширишни, мулкий манфаатлар беришни ёхуд мулкий йўсиндаги ҳаракатлар содир этишни талаб қилиш ёхуд жабрланувчини ўз мулки ёки мулкка бўлган ҳуқуқини беришга мажбур қиладиган шароитга солиб қўйиш: **уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.**

**Товламачилик:**

**а) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;**

**б) кўп миқдорда;**

**в) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса, беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.**

Сиз бу борада ўзингиз яшаб турган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идорага мурожаат қилишингиз мумкин.

**Саволларга ҳуқуқшунос Саломат НИЁЗОВА ва Шерзод АБДУҚОДИРОВ жавоб берди**

## ЭРКИН ФАОЛИЯТ КАФОЛАТИ

***(Давоми. Боши биринчи бетда)***

Бу имкониятлар тадбиркорларни ортиқча овора бўлишининг олдини олади. Чунки шу пайтгача уларнинг фаолиятини асоссиз тўхтатиш ва ноқонуний молиявий жарималарга тортиш, лицензияларини бекор қилиш каби масалаларни бевосита назорат қилувчи ва рухсатномалар берувчи идораларнинг ўзлари томонидан қўлланилиши давомида турли қонунбузарликлар содир этилаётган ва бу масалалар тадбиркорларнинг ҳақли эътирозига сабаб бўлаётган эди. Эндиликда бундай таъсир чораларининг суд идоралари қўлланилиши адолатнинг қарор топишига кўмаклашади.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, текширувларнинг кўплиги айрим тадбиркорлик субъектларининг жиддий эътирозига сабаб бўлмоқда. Хусусан, 2004 йилнинг 9 ойи мобайнида адлия идоралари томонидан ўрганиш натижасида назорат қилувчи идораларнинг 2444 та ҳолатда текширувлар тартибини бузгани, шундан назорат қилувчи идоралар фаолиятларини мувофиқлаштирувчи Кенгашнинг рухсатисиз 170 та ҳолатда текширувлар ўтказилгани аниқланган. 2005 йилнинг шу даврида бу кўрсаткич 69 тани ташкил қилди, шундан 3 ҳолатда рухсатсиз текшириш ўтказишга йўл қўйилганлиги аниқланди.

Таъкидлаш жоизки, **"Текширишларни рўйхатга олиш китоби"**нинг жорий қилиниши бу каби қонунбузарликларнинг олдини олмоқда. Ҳозирги пайтда 220 минг нафарга яқин тадбиркорлар ушбу китоб билан таъминланган ва улар ўртасида доимий равишда мониторинг ўтказиб келинмоқда.

Жорий йилнинг 9 ойи давомида 25 минг 607 та (11,8%) хўжалик юритувчи субъектларда ана шу китоб мониторинги ўтказилди. Шундан 117 та ҳолатда ўтказилган текширишлар бўйича тегишли ёзувларни умуман киритмаслик, 266 та ҳолатда тўлиқ тўлдирмаслик, 1 ҳолатда ноқонуний текшириш ўтказиш - жами 404 та қонунбузарлик аниқланди. Мониторинг натижалари бўйича тегишли идораларга 77 та тақдимнома, 9 та огоҳнома киритилиб, шу асосда 54 нафар шахс интизомий жавобгарликка тортилди. Шу жумладан, 2 нафар мансабдор шахс эгаллаб турган вазифасидан озод этилди.

Ушбу соҳада ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат этувчи органлар билан ҳамкорлик кучайтирилди.

Хусусан, 2005 йил август ойида **"Тадбиркорлик субъектларини тизимли ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва давлат бошқаруви идораларининг мансабдор шахслари томонидан уларнинг қонуний ҳуқуқлари бузилишининг олдини олишни кучайтириш бўйича комплекс амалий чора-тадбирлар"** Дастури ишлаб чиқилди.

**"Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги Президент Фармони тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятини текшириш, текширишлар ўтказишда назорат идоралари мансабдор шахсларининг жавобгарлигини кучайтириш бўйича аниқ масалаларни белгилаб берди.

Мазкур Фармон ижроси юзасидан кўрилган чоралар натижасида 2005 йилнинг 2-ярим йиллигига мўлжалланган 423 та молия-хўжалик фаолиятини текшириш билан боғлиқ режали текширишлардан Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятчиликка қарши курашиш Департаменти чиқарилди. Шунингдек, режадаги 382 та қонун талабларига риоя қилиб келаётган ва 123 та кам миқдорда маблағ айланмасига эга бўлган хўжалик юритувчи субъектларда текшириш ўтказиш бекор қилинди.

**"Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги Президент Фармони тадбиркорлик фаолиятини ҳуқуқий ҳимоялаш борасида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг узвий давоми сифатида текширишларни ташкил қилиш тизимини такомиллаштириш ва хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига қатъий риоя этилиши учун назорат идоралари мансабдор шахсларининг жавобгарлигини кучайтириш борасида аниқ вазифаларни белгилаб берди. Хусусан, Фармонга мувофиқ микрофирмалар, кичик корхоналар ва фермер хўжаликларининг молиявий-хўжалик фаолиятини ҳар тўрт йилда, бошқа тадбиркорлик субъектларини эса ҳар уч йилда кўпи билан бир марта режа асосида текширишдан ўтказилиши тизим фаолиятини ривожлантириш ва эркинлаштиришда муҳим қадам бўлди.

Илгари янги ташкил этилган тадбиркорлик субъектлари ҳали оёққа туриб олмасиданоқ режали текширишга дуч келарди. Текшириш натижаларига асосан турли назорат қилувчи идоралар томонидан уларга, албатта, қандайдир таъсир чоралари қўлланилар эди. Бунинг натижасида эндигина ўз фаолиятини бошлаган фирма ёки корхона аъзоларида эркин фаолият кўрсатишга ишончсизлик пайдо бўлар ва уларнинг оёққа туриб олиши қийин кечарди. Масалан, жорий йилда фаолият кўрсатмаётган 7012 та корхона фаолияти мониторинг қилинганда уларнинг аксарияти, текширувларнинг кўплиги ва катта миқдорда молиявий жаримага тортилгани оқибатида тўхтаб қолгани маълум бўлди.

Энди янги ташкил қилинган микрофирмалар, кичик корхоналар ва фермер хўжаликларининг молия-хўжалик фаолиятида улар давлат рўйхатига олинган пайтдан бошлаб икки йил мобайнида режа асосида текшириш ўтказилмайди. Ҳудудий солиқ идоралари томонидан бошқа туманлар (шаҳарлар)да рўйхатга олинган тадбиркорлик субъектларининг ишлаб чиқариш бинолари, савдо шахобчалари, савдо шахобчалари қаерда жойлашгани ва хизматлар кўрсатиладиган (ишлар бажариладиган) жойдан қатъи назар, уларнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш такрорланишига йўл қўйилмаган ҳолда, тадбиркорлик субъекти рўйхатга олинган жойдаги тегишли солиқ идоралари билан бир вақтда амалга оширилади. Бу ҳукумат томонидан уларга кўрсатилаётган ғамхўрлик ва рағбатнинг яна бир намунасидир.

Фармонга асосан молиявий жазо чорасини қайси ҳолатларда қўллаш, қайси ҳолатларда қўлламаслик борасида ҳам тадбиркорлик субъектларига яратилган яна бир имтиёз шундан иборат бўлдики, агар тадбиркорлик субъектлари текшириш натижалари бўйича назорат идораларининг тақдимномаларини бажарган, шунингдек, етказилган зарарни белгиланган муддатда ва тўлиқ ҳажмда ихтиёрий равишда қоплаган, шу жумладан, устамани тўлаган тақдирда уларга нисбатан молиявий жазо чоралари қўлланилмайди.

Islohot samarasi

Фармоннинг яна бир муҳим жиҳати шуки, у хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши учун назорат қилувчи идораларнинг мансабдор шахслари тадбиркорлик субъектларини рухсатсиз текширгани ва уларнинг хўжалик фаолиятига аралашгани учун етказилган иқтисодий зарарнинг ўрни қопланган ҳолда жавобгарликка, ҳатто жиноий жавобгарликка ҳам тортилишини кафолатлади.

Бундан ташқари, мазкур Фармонда назорат қилувчи идоралар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгаши назорат қилувчи идораларга **"Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида"**ги қонун талабларига қатъий равишда режадан ташқари текширишлар ўтказилишини асослаб берадиган сабаблар мавжуд бўлган фавқулодда ҳолатларда уларни ўтказишга рухсат бериши мустаҳкамланди.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, мамлакатимиз иқтисодиётининг таянчига айланаётган тадбиркорларнинг эркин фаолият юритиши муҳим стратегик аҳамиятга эга. Бу мақсадга эришиш учун давлат идоралари, уларда фаолият юритаётган ходимлар ва тадбиркорлар фақат қонун асосида фаолият юритиши лозим.

**Давлатназар МАТРАСУЛОВ,**
**Адлия вазирлиги Тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бошқармаси бошлиғи**

Saboq

***Кейинги пайтларда "Оқ-олтиндон" акциядорлик жамиятининг иқтисодий аҳволи бир мунча оғирлашди. Унинг кредитор қарзлари кўпайди. Бу ҳол корхонанинг ўзигагина эмас, балки шерикчилик қилмоқчи бўлганларнинг ҳам ишига салбий таъсир ўтказмоқда.***



## УСТАМА УНДИРИШ

### бундай кайфият деҳқонда йўқ

Акциядорлик жамияти билан "Жаҳон Ниҳол" фермер хўжалиги 2005 йилда давлат эҳтиёжи учун дон етказиб бериш бўйича контрактация шартномаси тузганди. Фермер хўжалиги шартнома мажбуриятларини бажарган. Корхона фермер хўжалигига топширган ғалласи учун 1 миллион 639 минг 110 сўм ҳақ тўлаши керак эди. Бироқ корхона мутасаддилари фермернинг ҳақини тўлаб, орани очиқ қилишни ўйлаб ҳам кўришмади. Шундан сўнг фермер Сирдарё вилояти адлия бошқармасига мурожаат қилишга мажбур бўлди.

Энди шу ўринда бошқа бир фермер хўжалигига ҳам тўхталиб ўтсак. Мазкур акциядорлик жамияти билан "Бахмал Лайд" фермер хўжалиги 2005 йил давлат эҳтиёжи учун дон харид қилиш бўйича контрактация шартномаси тузган. "Бахмал Лайд" ҳам шартнома мажбуриятини адо этган бўлса-да, корхона фермер хўжалигига топширган маҳсулоти ҳақидан 872 минг 219 сўмни тўламаган.

Бунинг сабаби оддий — корхонада иқтисодий аҳвол ночор. Хўш, бунга ким айбдор? Албатта, фермер хўжаликлари эмас.

Томонлар ўртасида шартнома муносабатлари бузилмаслигини белгилаб берувчи мезонлар бор. Улардан бири Фуқаролик кодексининг 465-моддаси талабларининг бажарилишидир. Унга мувофиқ қишлоқ хўжалик маҳсулотини етиштирувчи маҳсулотни тайёрловчига шартлашишган муддатда топшириш, тайёрловчи эса маҳсулотни қабул қилиши ва унинг ҳақини шартлашилган муддатда муайян баҳода тўлаш керак.

Адлия бошқармаси ҳар иккала фермер хўжалигининг манфаатни кўзлаб хўжалик судига даъво ариза киритди. Вилоят хўжалик суди акциядорлик жамиятидан "Жаҳон Ниҳол" фермер хўжалиги фойдасига 1 миллион 639 минг 110 минг сўм, "Бахмал Лайд" фермер хўжалиги ҳисобига 872 минг 219 сўм асосий қарзларни ундириш тўғрисида қарор қабул қилди. Шунингдек, фермер хўжаликлари томонидан тўланган давлат божлари ҳам жавобгар корхона ҳисобидан қопланди.

Шу ўринда ҳар иккала фермер хўжалигига шартномада кўрсатилган муддатда маҳсулот ҳақини тўламагани учун ундирилиши лозим бўлган устама ҳақида фикр юритсак. Гап шундаки, хўжалик суди ўз ваколати ва қонун талабларидан келиб чиқиб, даъво аризаларида кўрсатилган устамаларни қисман қаноатлантирди. Акциядорлик жамиятининг иқтисодий аҳволи оғир эканини ҳисобга олди. Албатта, устаманинг қисман қаноатлантирилганига ҳеч қандай эътироз йўқ. Бироқ масаланинг бошқа томони кишини ўйлантириб қўяди.

Қўшиб ҳисоблаганда ҳар иккала фермер хўжалигига корхонадан 172 минг 578 сўм устама ундирилди. Бу кимгадир салмоқли туюлмаслиги мумкин. Аслида эса тийинлардан сўмлар йиғилади. Энди ўз-ўзидан савол туғилади. Маҳсулот ҳақини ўз вақтида тўламагани учун иккита фермер хўжалигига корхона шунча ортиқча чиқим қилаяпти. Хўш, ана шу ортиқча чиқим кимнинг чўнтагига зарар? Саволга жавоб маълум:

Бирон-бир фермер хўжалиги раҳбари маҳсулот ҳақини ўз вақтида олмасам, устама ундираман, деб кутиб ўтирмайди. Бундай кайфият ўзбек деҳқонига тўғри келмайди. Унга ҳалол меҳнат билан топилгани керак. Бироқ қонун — асосий мезон. Топширган маҳсулот ҳақини тўлаш шартномада кўрсатилган муддатдан кечикдими, устама жавобгар ҳисобидан ундирилади.

Хулоса ўрнида айтмоқчи бўлган мақсадимиз шуки, акциядорлик жамияти ҳам хўжалик юритувчи субъект. Ҳар қандай хўжалик юритувчи субъект ўз фаолиятини қонун талаблари даражасида йўлга қўйиши зарур. Ана шундагина ҳеч қандай муаммога ўрин қолмайди.

**Абдумурод ҚЎЗИЕВ,**
**ҳуқуқшунос**
**Ҳамид ЭГАМ,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

Munosabat

## ВАШИНГТОННИНГ "МОККИ ДИПЛОМАТИЯСИ"

***(Давоми. Боши биринчи бетда)***

(Бу ўринда сафари пайтида Р.Рейганнинг айнан Москвада туриб ғурур билан улуғ Алишер Навоий заминида эканини эътироф қилганини эслайлик).

Шунингдек, АҚШда Марказий Осиё давлатлари, Россия, Хитой билан муносабатга киришиш Ўзбекистонсиз амалга ошмаслигини жуда яхши билишади. Америка кўзлаётган қандайдир яхлит ҳудудий хавфсизлик тизимини барпо этишни эса Ўзбекистон иштирокисиз умуман амалга ошириб бўлмаслиги тайин. Шундай экан, Тошкентни "жазолаш", воқеаларнинг кўрсатишича, самарасиз ҳаракатдир. Қолаверса, Америкада ҳозирги Ўзбекистон, қўшни мамлакатлар каби енгилтаклик ва масъулиятсизлик билан, ўз йўлини ўзгартирмаслигини билишади.

Айни пайтда, Ўзбекистон Ғарбнинг ўзи туртки берган Андижон воқеалари боис четдан қилинаётган жуда кучли тазйиққа қарамай, бутун ҳудуд ва унинг ташқарисидаги кенг миқёсда кечаётган сиёсий ҳаётда фаол иштирок этаётир. Санкт-Петербург саммити натижалари ва Тошкентнинг Москва билан мустаҳкам стратегик алоқалари бунга мисол бўла олади.

Шунингдек, Вашингтонда Россия ҳам, Хитой ҳам ўзининг ўзбек стратегик иттифоқчисини сотмаганини ҳисобга олишади. Ваҳоланки, АҚШ Америка тарихида бошқа давлатларга ўшандай муносабатда бўлган. Буни Андижон воқеаларига Американинг муносабатида ҳам, АҚШ Конгрессининг Ўзбекистон томонидан фойдаланишга берилган Хонободдаги база учун майдакашликка бориб, ҳақ тўлашни рад этганида ҳам яққол кўриш мумкин.

Жаҳон матбуоти К.Райс сафари чоғида Ўзбекистонга келмаганини ёзиб, бунда АҚШнинг Тошкентнинг маълум ҳаракатларига ва унга доир позициясига қарши эканига ишора қилишди. Аслида барча ишлар хийла мураккаб ва айни пайтда жуда оддий: АҚШ давлат котибининг Ўзбекистонда айтадиган гапи йўқ эди — ҳарбий база борасида ҳам, мақталган "демократия" ҳақида ҳам, бошқа бирорбир масала бўйича ҳам. К.Райс Вашингтоннинг Тошкентга уқувсизларча ютқазганини ва Американинг тактик йўлига доир барча карталари очилганини жуда яхши тушунади. К.Райс Ўрта Осиё, Россия ва Афғонистондаги суҳбатдошлари билан Ўзбекистон бўйича "ҳамфикр" топа олмади. Чунки нафақат Москва, ҳатто қўшнилари ҳам Тошкент билан мунозарага бориш учун асосларга, кенгроқ маънода айтилса, "ахлоқий-тарихий ҳуқуқ"қа эга эмас. Ниҳоят, МОҲТ-ЕвроосиёИҲ ва ШҲТдаги Ўзбекистоннинг роли ва салмоқли сиёсий мавқеи, Россия ва Хитой билан бир қаторда, изчил ўсаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Бу фактни барча эътиборли таҳлилчилар тан олишади. ОАВда АҚШнинг Марказий Осиё сиёсий майдонида қандайдир ЕвроосиёИҲ ва ШҲТга муқобил давлатлараро интеграция тизимини яратиш мўлжали борлиги ҳақида хабарлар пайдо бўлди. Шу муносабат билан айтиш жоизки, Американинг Марказий Осиёдаги ҳар қандай янги лойиҳаси муваффақиятсизликка маҳкумдир. Чунки Евроосиёнинг ўзаро тарихий-маданий боғлиқлиги бу ҳудудга трансатлантика маданий қадриятларнинг бегона эканини исботлайди. Бу ерда америкача демократлаштириш худди АҚШ пойтахтини Вашингтондан Теҳронга кўчиришдек хомхаёлнинг ўзи...

Бугун аксарият таҳлилчилар Москва ва Вашингтоннинг Марказий Осиёда қарама-қаршиликлари кучайгани ҳақида гапиришмоқда. Бундай таъкидлар методологик нуқтаи назардан нотўғри. Ўрта Осиёнинг ўрта қисмидаги каттагина географик ҳудуд Россияга тегишли эканининг ўзи ҳам бунга яққол далил ҳисобланади. Россиянинг ўз ҳудудида ташқи кучлар билан рақобатга киришиши мантиққа зидки, агар бунда Шимолий Кавказда бугунги кунда рўй бераётгани каби, қўпорувчилик ҳаракатлари назарда тутилмаётган бўлса. Агар ҳодисалар моҳияти ҳақида умумсиёсий нуқтаи назардан туриб гапирадиган бўлсак, Россия ва Марказий Осиё азалдан теран сиёсий-дипломатик, маданий-маънавий ва бошқа томирлари Колумбгача бўлган тарихдан ҳам нарига кетган ришталар билан боғлиқ. Бу қоидаларни сиёсий максимализм, махсус сценарийлар ёки фантасмогорик "масон фитнаси" билан узиш амримаҳол. Англо-саксон тарихи бундай режаларнинг келажаги йўқлигини далиллайди. Боз устига, катта ЕвроосиёИҲнинг ташкил топгани Америка Қўшма Штатларини цивилизациялараро толератликка, ҳамкорликка тайёр туришга, аксинча, қарама-қаршиликларни келтириб, чиқарадиган талаб ва шартлар қўйишлардан воз кечишга даъват этади. Умид қиламизки, К.Райснинг сафари муносабати билан билдирилаётган бу чақириқ Вашингтонда асл маъносида қабул қилинади.

**Галина МАЙКОВА,**
**сиёсий фанлар номзоди**

Манба — www.kreml.org.

Qonun ko`magi

***Мамлакатимизда хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга катта аҳамият берилмоқда. Шу боис жойларда тадбиркорлик билан шуғулланаётган ва мамлакат иқтисодиётини мустаҳкамлашга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшаётган кишиларнинг сони кун сайин ортиб бормоқда.***

## ХАТОЛИККА ЎРИН ЙЎҚ

Маълумки, тадбиркорлик таваккалчилик ва ташаббус кўрсатиб меҳнат қилиш демакдир. Шу боис мамлакатимиз Президенти томонидан тадбиркорларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш борасида бир қатор ҳужжатлар қабул қилинмоқда ва ҳаётга жорий этилмоқда. Бироқ, айрим жойларда ана шу ҳужжатларнинг ижроси талаб даражасида эмас. Мисол учун айтадиган бўлсак, Рустамжон Раҳимов ва Муқаддам Муродованинг ноқонуний ҳатти-ҳаракатини ана шундай баҳолаш мумкин. Улар Косонсой туман статистика бўлимида меҳнат қилишади. М.Муродованинг Наманган вилояти адлия бошқармаси бошлиғи номига ёзган тушунтириш хатида таъкидланишича, у мазкур бўлимда 1979 йилдан бери етакчи мутахассис вазифасида ишлаб келади. Демак, у ўз соҳаси бўйича етарли тажрибага эга. Бироқ етакчи мутахассис М.Муродова ва унинг ҳамкасби Р.Раҳимов шу йилнинг 15 июл кунидаги **"Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида"**ги Президент қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 23 февралдаги **"Кичик ва ўрта бизнес корхоналарининг ҳисобот беришини қисқартириш ва тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги қарори талабларидан умуман бехабар эканини амалда исбот этишди. Аниқроқ айтганда, улар тумандаги "Таъмирлаш-қурилиш" кўп тармоқли фирмаси, "355-механизациялашган кўчма колонна LTD", "Косонсойқурилиш" масъулияти чекланган жамиятлари ҳамда "Истиқлол" савдо корхоналаридан ноқонуний равишда июл ойи учун 1 август куни "1-Т" ва "5-Ф" шаклидаги ҳисоботларни талаб қилишган.



Ҳолбуки, қонун талабига мувофиқ давлат бошқарув, маҳаллий давлат ҳокимияти идоралари ҳамда бошқа ташкилотлар томонидан белгиланган тартибда тасдиқланган қонунларда назарда тутилмаган ҳар қандай ахборотни, шу жумладан ҳисобот, маълумотлар, маълумотнома ва ҳужжатларни талаб қилишларига йўл қўйилмайди.

Бундан ташқари, давлат бошқарув идоралари, маҳаллий давлат ҳокимияти идоралари ҳамда бошқа ташкилотларнинг мансабдор шахслари қарорнинг ушбу бандини бузгани учун шахсан жавобгарликка тортилади. Ана шу қонун талабига асосан, Наманган вилояти адлия бошқармаси амалдаги МЖТКнинг 241-1-моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик аломатлари мавжуд эканини инобатга олиб, Косонсой тумани прокурори номига баён этилган ҳолатлар юзасидан тақдимнома киритди. Демак, энди косонсойлик тадбиркорлар ортиқча тўсиқларга дуч келишмайди.

**Толибжон МИРАБДУЛЛАЕВ,**
**ҳуқуқшунос**
**Маъмур МУСУЛМОНОВ,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

